

Ғайбий эъжоз ёхуд 20 та ҳақиқат (14-16)



15:00 / 22.10.2020 1212

(тўртинчи мақола)

14. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қиёмат аломатларини гапираётганларида «**Токи илм қабз қилинмагунча**» деган гапни ҳам айтганлар.

Афсуски, олимлар бирин-кетин вафот этишмоқда. Бу ҳам илмнинг қабз қилинишидир. Одамлар фатво айтишга журъатли бўлиб боришмоқда. Бирор масаланинг ҳукмини билмасалар ҳам, ўзларича, тахминий равишда айтиб юбормоқдалар. Билмаганлар эса ўша гапни тўғри деб эргашмоқдалар. Илмсиз равишда фатво бериш кишининг дўзахга журъатидир. Раҳбарларнинг раъйига қараб, шариатга мувофиқ келмаса ҳам, уларни хурсанд қиладиган «фатволар» илмнинг қабз қилинаётганининг бир кўринишидир. Илмсизлик, жоҳиллик кўпайиб, илмга қизиқиш сусайиши, турли енгил-елпи, кўнгилхушлик ишларига кўп вақт сарфлаш ҳам илмнинг қабз қилиниши кўринишларидандир. Жоҳилликнинг кўпайиши қиёмат аломати экан, демак, қиёмат яқин. Нега илм олиб, амал қилиб, охиратга тайёргарлик кўрмаймиз?

15. Бир ҳадисда шундай дейилган «**Менинг умматим ичида номини ўзгартириб ҳамр ичувчилар бўлади. Уларнинг олдида кўшиқ айтиб,**

рақсга тушувчи аёллар ҳам бўлади. Бундай одамларни Аллоҳ таоло ерга юттириб юборади ёки уларнинг кўринишини маймун, тўнғизларга айлантириб қўяди».

Бугун хамрнинг номлари кўпайиб кетди. Коньяк, пиво, виски, водка ва ҳоказо номлар билан аталсада, оқибати бир хил: кўп ҳолларда мастлик, ахлоқсизлик, беҳаёлик, сўкиниш, жиноят содир этиш юз беради. Аёлларнинг қўшиқ айтиб, рақсга тушишлари, маст ҳолдаги эркакларнинг кўнгилхушлиги учун шундай ишларни қилиши бугун роса авжига чиқди. Тунги клублар, турли базмларда бу ҳол урчиган. Хамрнинг мазкур номлари ўн тўрт аср олдин одамларга маълум эмасди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга келажакда одамлар хамрнинг номини ўзгартириб ичишлари, қўшиқчи ва раққоса аёлларнинг чиқиши хабарини ким берган? Албатта, Аллоҳ таолонинг Ўзи бергандир!

16. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу айтди:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Замона охирида ер ютиш, тош ёғиш, ... (бошқа махлуққа) айланиш бўлади»** – дедилар. Саҳобалар: Ё Расулуллоҳ, бу қачон бўлади?,- дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Чолғу асбоблари ва хонанда аёллар чиққанида»** – деб жавоб бердилар.

Табароний «ал-Мўъжамул Кабийр» 5678.

Бу ҳадисда айтилаётган аломатлар ўтган асрда тарқала бошлаган бўлсада, бугунги кунга келиб кенг ёйилди. Одамлар куй-қўшиқларга ошиқ бўлиб, хонадонларда мусиқа ва қўшиқлар жаранглапти, турли кафе-ресторанларда, тунги клубларда мижозларнинг кўнглини овлайдиган қўшиқчи ва раққоса аёллар ишламоқда. Қолаверса, аёлларнинг қўшиқ айтиб, рақсга тушиши бутун дунёда тарқалмоқда, кўпайиб бормоқда. Телевизор, радио, интернет ва бошқа жойларда аёлларнинг рақс тушиб, қўшиқ куйлаши тўлиб ётибди. Мусиқага йўналтирилган кўплаб каналларда аёллар тинмай қўшиқ куйлаб, рақсга тушмоқдалар. Тўйлар, базмларда ҳам аёллар қўшиқ куйлаб, эркаклар билан бир даврада рақс тушмоқдалар. Бундан 14 аср олдин, бирорта одам куй-қўшиқ ва рақсларнинг бу даражада тарқалишини тасаввур ҳам қила олмайдиган пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам чолғу асбоблари ва хонанда аёллар чиқишини қаердан билиб айтдилар экан? Албатта, бу нарсаларни у зотга Аллоҳ таолонинг Ўзи билдирган!

(Давоми бор)

**Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида Нозимжон Ҳошимжон
тайёрлади**